

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ – РАҚАМЛАРДА:

Бу ҳақда Президент видеоселекторида таъкидланди

Кунни кеча мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш ҳамда «Яшил макон» лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда тавсияларни Фарғона вилояти аҳли ҳам мамнуният билан қарши олдилар. Зеро, мазкур йиғилишда дунёдаги ҳозирги мурақаб вазиятда ҳар бир давлат туристларни жалб қилиш учун барча имкониятларини ишга солаётгани, биз ҳам мана шундай кескин рақобат шароитига мос бўлиб ишлашимиз шартлиги, шунингдек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишнинг навбатдаги жараёнларида ҳам фаол бўлишимиз лозимлиги алоҳида таъкидланди.

2023 йил баҳор мавсумида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятимизда жами

9 млн. 513 минг дона манзарали ва мевали дарахтлар, бута қўчатлари ҳамда қаламчалари экиш белгиланган бўлиб, мавсум якунида **9 млн. 933 минг** дона, **27** турдаги қўчатлар экилди. Белгиланган режа **104,4 фоизга** бажарилди.

Жорий йилнинг куз мавсумида эса лойиҳа доирасида **40 турдаги, 6 млн. 502 минг** дона манзарали ва мевали дарактлар, бута қўчатлари ҳамда қаламчалар экиш белгиланган

Бугунги кунда экиладиган даррахт кўчатларининг ман-
зилли дастури шакллантириб олинган. Жумладан:
автомобиль йўллари ёқасига 90,1 минг дона;
кластер ва фермер хўжаликлари экин ерлари ва дала
четлари (ихота)га 3 млн. 53 минг дона;
ўрмон фонди ерларига 171 минг дона;
корхона ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳудудларига 631,2
минг дона;
туман (шаҳар)лардаги ободонлаштириш объектларига
517 минг дона;
туман (шаҳар) МФЙ ва бошқа объектлар ҳудудларига 1 млн. 707
минг дона;
боғ, ток ва тутзорлар барпо этиладиган ерларга 92 минг дона;
вазирлик ва идоралар боғларига 12,6 минг дона;
туман (шаҳар) ҳокимлиги боғларига 11,3 минг дона;
“Яшил белбоғлар” (атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи
йирик саноат корхоналари) ташкил этиладиган ерларга 24,1 минг дона;
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги муассасаларига 35,2 минг дона;
Мактабча ва мактаб таълим вазирлиги муассасаларига 112 минг дона;
солиқни сақлаш муассасаларига 35,6 минг дона экилиши режалаштирилди.
Куз мавсумида Фарғона шаҳар “Ўрмончилар” МФЙ ҳудудида жойлашган Фарғона ўрмон хўжалигига
қарашли 1 гектар ер майдони “Вазирлик боғи” ташкил этиш учун танлаб олинди.
Жорий йилдан ҳар бир шаҳар ва туман ҳудудларидаги минг 12,8 гектар ер майдонларида “Ҳокимлик
боғлари” ташкил этилиб, 11 минг 350 туپ манзарали ва мевали даррахт кўчатлари экилиши белгилаб
олинди.

1 ва II тоифага кирувчи 42 та йирик sanoat korxonalari tomonidan "Яшил белбоғлар" ташкил этилиб, 24 минг дона терак ва бошқа қўчатлар экилиши таъминланади.

Мавжуд 17 та чиқинди полигонлари атрофига давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолият юритаётган корхоналар томонидан куз мавсумида терак ва тол дарахти қўчатлари экилиб, ихтоззорлар барпо этилади.

2023 йил куз мавсумида 9 та шаҳар ва туманлардаги 25,3 гектар ер майдонида 12,6 минг дона қўчатлар экилиб, "Яшил боғ"лар барпо этилади.

2022-2024 йилларда жами 170,5 гектар "Яшил жамоат парклари" ташкил этиш учун ер майдони ажратилган. Ҳозирда жами 147 гектар ер майдонида бундай масканлар ташкил этилди. Жорий йил куз мавсумида эса 23,5 гектар ер майдонида "Яшил жамоат парклари" ташкил этилиши режалаштирилган.

Вилоят ҳудудида 2023 йил куз мавсумида экишга яроқли 40 турдаги, 47,6 млн. дона қўчатлар захираси яратилди.

Қўчат экиш мавсумида қўчатлар нархларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда қўчатчилик билан шуғullanувчи субъектларни жалб этган ҳолда, 102 та қўчат ярамарклари ва савдо нуқталари ташкил этилади.

Баҳром ЖУМАНОВ,
Фарғона вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва
иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи.

Баҳром ЖУМАНОВ,

**Юртдошим,
богингга
бир ниҳол
қада!**

Жумладан, Давлатимиз раҳбари туристларни жалб қилиш бўйича янги имкониятларга тўхталиб ўтди. Бунда, энг аввало, қўшни давлатлардан, Россия ва Хитойдан сайёҳларни жалб қилиш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Масалан, Хитойнинг ҳамма провинцияларига бориб, ҳудудларимиз туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, Хитойдан Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона водийсига авиакатновларни йўлга қўйиш мўҳимлиги қўрсатиб ўтилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизга узок давлатлардан келаётган туристлар оқими 3-4 баробар ошди. Ушбу мамлакатлардаги эътилоларга ва вилоят ҳокимларининг туризм бўйича ўринбосарлигига туристларни жалб қилиш бўйича ишларни қучайтириш топширилди.

Келгуси ҳафта Самарқанд шаҳри илк бор Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси йиғилишига мезбонлик қилади.

Юртбошимиз ушбу тадбир ҳокимларга мамлакатимиз туризм салоҳиятини кўрсатиш учун катта имконият эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари раислигида ташкилланган мазкур ййғилиш кун тартибидаги иккинчи масала сифатида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилиши кўриб чиқилди.

Маълумки, ушбу лойиҳа бошланганидан буён ўтган икки йилда уй-жой массивларида 1 минг 200 гектардан ортиқ қишлоқ ва жамоат парклари, 1 миллион гектардан зиёд яшил ҳудуд ва копламалар барпо этилди.

Ийгилиги буга ҳамжамат парқлари, 1 миллион гектардан зиёд янги ҳудуд ва қопламалар барпо этилди. Ўйинчи болалар жорий йилнинг 25 октябрдан 1 декабргагача «кузги даракх аткиш мавсуми» эълон қилиниши, унинг доирасида эса 85 миллион туп қўчат экиш режалаштирилганлиги, бунда барча даражадаги раҳбарлар, вазирлар, ҳокимлар, аҳоли фаоллари, жамоат арбоблари, нурунийлар, санъаткор ва спортчилар, машҳур блогерлар ўрнатқўрсатишлари ҳиммилги қайд этилди.

Бунинг учун Республика штаби ташкил қилинади. Фанлар академияси, Тупроқшунослик, Ўрмончилик институтлари, ўрмон хўжаликлари раҳбарлари ҳам штабга аъзо бўлади. Штаб тупроқ таҳлили, иқлим шароити асосида қаерга, қачон, қайси қўчат турини қанча экишни белгилаб беради.

АРХЕОЛОГИЯ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг Лоян археологик тадқиқотлар институти раҳбари, профессор Ли Ёнг Кян бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Фаргона давлат университети ҳамда Лоян археологик тадқиқотлар институти ўртасида археология соҳасида кенг қўламли ҳамкорлик ўрнатиш масаласи муҳокама қилинди.



йўналиши талабаларининг ҳамда
профессор-ўқитувчиларининг Лоян

институтида амалиёт ўташлари ҳамда малака оширишларини йўлга қўйиш каби йўналишларда иш олиб бориш режалаштирилмоқда.

Вилоят раҳбари Фарғона давлат университети ҳамда Лоян археологик тадқиқотлар институтининг ҳамкорлик режаларини қўллаб-қувватлади.

Лоян археологик тадқиқотлар институти – Хитойнинг энг йирик илмий тадқиқот муассасаси бўлиб, 2012 йилда ташкил этилган. Мазкур институт таркибида 8 та илмий тадқиқот маркази, 500 нафарга яқин илмий ходим фаолият юритади.

Илмий ходим фаолият юротида.
Институт Хитойнинг марказий қисмидаги энг қадимги пойтахт шаҳар – Лоянда жойлашган бўлиб, археологик ёдгорликларни тадқиқ этиш ва музейлаштириш бўйича Хитойдаги бош илмий марказ ҳисобланади.

Фаргона шахридаги “Бақай” кичик саноат зонасида жойлаштириш кўзда тутилаётган мисни қайта ишлаш корхонасига яқин кунларда тамал тоши қўйилиши маълум қилинди.

Уч босқичда Фарғона вилоятида электромобиллар ишлаб чиқариш режалаштирилган лойиҳанинг биринчи босқичида Фарғонада Хитой автомобилларини сотиш учун автосалон очишга киришилмоқда. Аҳолининг талабини ўраниш натижасида талаб юқори бўлган турдаги автомобиллар белгиланди, иккинчи босқичда уларни вилоятимиз ҳудудида йиғиш йўлга қўйлади. Учинчи босқичда эса автомобиль ишлаб чиқаришни тўла маҳаллийлаштириш қўзда тутилган.

ХИТОЙЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР ГУРУҲИ БИЛАН УЧРАШУВ

Вилоят ҳокими бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг жорий йил сентябрь ойидаги Хитойга амалий ташрифи давомида эришилган келишувларнинг давоми бўлган унбۇ учрашувда вилоятимиз ҳулуфидда тўғридан-тўғри Хитой сармояси ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилаётган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, табиий ҳамда сунъий аралашмали матолар тўқиш, уларни қайта бўяш ва гул босиш корхонасини ташкил этиш бўйича инвестицион лойиҳа устида ҳам иш олиб борилаётгани ҳақида вилоят ҳокимиға маълумот берилди.

Хайрулло Вазоров вилояти-

миз иқтисодиёти учун муҳим бўлган ушбу лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг тез ва муваффақиятли амалга оширилиши учун ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканликларини қайд этди.

Шарофиддин ҲАКИМОВ
тайёрлади.

Юртбошимиз дейдики:

...Туризм – бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани.

Юртдошим, богингга бир ниҳол қада!



» Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Шу ўринда яна бир гап, баъзи ҳолларда «Эжаётган ниҳолларимиз, сув ва ўғитидан ўз вақтида хабар олиб, ўз вақтида парвариш қилсак ҳам, нимагадир куриб қоляпти» деган эътирознома гапларга ҳам дуч келамиз.

Бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз ҳар бир маҳалла ва туманда қайси дарахт яхши кўкаришини одамларнинг ўзи яхши билиши, шу туйғайли ҳам экиладиган кўчат турларини аҳоли билан бамаслаҳат танлаш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Зеро, тупроқ ва иқлим шароитига мослаб, танлаб экилган кўчат, агар парвариши жойида бўлса, ҳеч қачон қуримайди. Бунни доимо ёдда тутишимиз шарт.

Мутасаддиларга барча туман ва маҳаллаларда бир ой давомида кўчат ярмаркаларини ташкил қилиш ва куз мавсумида 30 миллион туп кўчат етказиб бериш топширилди.

Давлатимиз раҳбари, жумладан, кўчат экишда манфаатдорликни ошириш лозимлигига ҳам эътибор қаратди. Бу борадаги вазиятни ўзгартириш учун эндиликда автомобиль, темир йўл, дарё, каналлар ёқалари аҳоли ва тадбиркорларга шартнома билан ер тоифаси ўзгартирилмасдан бўлиб берилиши белгиланди.

Йиғилишда аҳолининг дарахт экишга бўлган қизиқишини ошириш ва рағбатлантириш ишларини янада кучайтириш зарурлиги ҳам қайд этилди. Бандлик вазирлигининг Жамоат ишлари жамғармаси маблаглари бундан буён маҳаллаларни ўзига йўналтирилиши, улар эса бу маблагларни дарахт экиш, парваришlash ва тозалик тадбирларига йўналтириши таъкидланди.

Ўрмон ҳўжалиги агентлигига жорий мавсумда ҳар бир маҳаллага 200 тадан кўчатни бепул етказиб бериш топширилди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят ҳокими ҳам 300 минг дона кўчатни маҳаллаларга текинга тарқатади.

Вилоятимизда ҳам «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда, яшил боғлар, кўркам хибонлар барпо этилиб, Фарғонамиз гўзаллигига янада гўзаллик қўшилмоқда.

Шу ўринда дарахтларнинг ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчи жой, деб билдик. Дарахтлар карбонат ангидридни биз нафас олувчи кислородга айлантириб беради, иссиқ кунда салқинликни ҳада этади, баъзи дарахтларнинг саломатлик учун фойдали бўлган ширин мевалари истеъмол қилинади.

Маълумотларга қараганда, дарахтлар ҳамда бошқа ўсимликларнинг барглари ва шохлари ёз ойларида қуёшдан келаётган иссиқлик қувватининг фақат 10-30 фоизини пастга ўтказиши. Натижада ер устида ҳарорат мўътадил бўлади.

Кейинги беш-олти йилда шаҳар ва қишлоқларимиз, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, шунингдек, таълим муассасалари ва ўқув юртла-

рида кўчат экишдек эзгу анъана шаклланди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасидан кўзланган яна бир мақсад – таълим муассасаларида кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда ёшларнинг фаоллиги ва масъулиятини янада ошириш, маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар-жойлари атрофини бундан-да кўркам кўринишга келтиришдан иборат.

Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган кўчат экиш мавсумида мутахассислар ёш авлодга кўчатлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида қисқа маълумотлар ҳам бериб ўтсалар, янада фойдали бўлар эди. Масалан, арча бир жинсли, бир ёки икки уйли, шамол ёрдамида чангланувчи, игна-баргли ўсимлик ҳисобланади. Унинг 2-3 ёшли кўчати экилади, март-май ойларида эса гуллайтиди. Баъзи турлари тропик ҳудудлардаги тоғларда ҳам учрайди. Арчанинг хўжалиқдаги аҳамияти ғоятда катта. Ёғочни меъморлик, ўймакорлик ва қалам ясашда ишлатилади. Баъзи турларидан хушманзара ўсимлик сифатида ҳам фойдаланилади. Арчасимон дарахтлар қилин-ёзин яшилликка бурканган бўлади. Натижада йил бўйи чангни ютиб, ҳавони тозалаш туради.

Яна шундай дарахтлар ҳам борки, улар инсонга куч-қувват бахш этади. Айрим дархтлар эса қон босимини маромига келтириб, юрак ва асаб тизими фаолиятига яхши таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, дарахтлар атрофнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайтиди, кучли шамолларни қайтаради, ўзидан зарarli микробларни ўлдирувчи фитонцидлар ишлаб чиқаради.

Ҳа, ота-боболаримиз сув йўқ жойда ҳам дўпписида сув ташиб бўлсада, дарахт кўкартирганлар. Уларнинг ерга қадаган минглаб ниҳоллари бугунги авлодга хизмат қилмоқда. Шундай экан, эй юртдош, бугун она заминга қурбонгиз етса – минг, етмаса – бир туп ниҳол қадан. Бу ниҳол сиздан келажакка мерос бўлиб қолажак.

Президентимиз асос солган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг аҳамияти жуда беқиёс. Зеро, мазкур эзгулик доирасида амалга ошириладиган ишлар натижасида Ватан манзаралари янада ободлик касб этади; яшил боғлар юртимиз дастурхонининг тўқинлигига хизмат қилади; аҳоли даромадлари янада юксалиб, турмуш фаровонлигимиз янада юксалади; яшил маконлар атмосферамиз мусаффолигини таъминлайди; ўрмон маҳсулотларидан тайёрланган қурилиш материаллари улкан бунёдкорлик ишларига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур лойиҳа бугунимизнинг ободлиги, келажакимизнинг янада буюклиги йўлидаги муҳим дастуриламалдир. Бугуни ва келажакка бефарқ бўлмаган ҳар бир ватандошимиз бу эзгу ишда фаол иштирок этсин!

Адҳамжон РАҲМОНОВ,
«Янги Фарғона» мухбири.

Хусусан, куни кеча муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш ҳамда "Яшил макон" кузги мавсумини самарали ташкил этиш масалаларида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам мамлакатнинг туристик имкониятлари, шунингдек, туристларни жалб қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар диққат марказида бўлди.

Бунда Давлатимиз раҳбари дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда ҳар бир давлат турист жалб қилиш учун барча имкониятларини ишга солаётганини кўрсатиб ўтар экан, бундай кескин рақобат шароитига мос бўлиб ишлашимиз зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, юртимизда бу соҳадаги салоҳият анча юқори. Яқин 6 йил ичида Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошган ва кундан-кунга ортиб бормоқда. Жумладан, ўтган 8 ойда юртимизга хориждан 4,3 миллион нафар турист келди, улардан 1,4 миллиард доллар тушум бўлди.

Лекин Юртбошимиз томонидан таъкидланганидек, туризм ва маданият масканлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш натижасида бундан-да юқори натижага эришиш мумкин. Бу борада ҳам Президентимиз янги имкониятларни кўрсатиб берди.

Шу ўринда фаҳр ва ифтихор билан айтиб ўтиш жоизки, ички ва ташқи туризм соҳаси ривожига Ўрта Осиё гавҳари – гўзал Фарғона замини ҳам пешқадамлардан бири ҳисобланади. Атрофлари Тянь-Шань ва Ҳисор-Олой тоғлари билан ўралган Фарғона водийси Марказий Осиё тарихи ва маданиятида ҳамisha муҳим роль ўйнаган. Фарғона давлати – "Довон" қадимдан ўзининг ипакчилик, хунармандчилик, кулчиликнинг бетақорор санъат дурдоналари билан Мовароуннахрнинг етакчи ўлкаларидан саналган.

Фарғона водийсининг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Марғилон савдогарлари Буюк Ипак йўли бўйлаб, Миср, Юнонистон, Бағдод, Хуросон ва Қашқарга олиб кетган ипак матолари билан донг таратган. Дарҳақиқат, бугун ҳам Марғилонни Ўзбекистоннинг "Ипакчилик пойтахти", деб аташ мумкин. Дунёга машҳур Риштонда эса 1100 йилдирки, кўли гул хунармандлар қизил гилдан бетақорор санъат асарларини яратиб келмоқдалар. Қўхна Хўқанд эса илм-фан, маърифат ўчоғи сифатида ҳамisha гуллаб-яшнаган.

Бугун Фарғонада вилоят ҳокими ташаббускорлигида ички ва ташқи туризм соҳалари янада ривожла-



ФАРҒОНАНИНГ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”: ИМКОНИАТЛАРГА БОЙ ТУРИЗМ, БЕТАҚОРОР ЯШИЛ МАКОН

Маълумки, туризм иқтисодий, ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг камровли соҳадир. Бу тизим ўзининг кўп қиррали йўналишлари билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларига самарали таъсир ўтказиши ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда катта имкониятлар яратди. Яна бир муҳим томони эса – кам ҳаракат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради.

ниб бормоқда. Шу боис туристлар учун жозибador худудга айланаётган Фарғонада меҳмонхона бизнеси гуркираб ривожланипти.

Фарғона туманидаги "Чимён шаббодаси" эко дам олиш маскани, Риштон "Хунармандлар маркази", Қўқон шаҳридаги сиғими 5 минг кишилик масжидни ўз ичига олган "Хунармандчилик ва туризм маркази", Туркистондаги жадидчилик

ҳаракатининг ёрқин намояндаларидан бири Ашурали Зоҳирий музейи, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Экошаҳардаги уй-жой массивларида барпо этилаётган яшил боғлар, жамоат парклари, туманлардаги яшил ҳудудлар юқоридаги фикримизнинг бир ифодасидир. Бу ўзгаришлар меваси сифатида Фарғона заминида "Олтин водий сайёҳлик халқаси" қад ростлай бошлади.

Мазкур соҳа бўйича ислохотлар, ўз навбатида, биз – олий таълим тизими вакилларини чексиз қувонтирмоқда. Чунки халқаро туризмга қаратилаётган юксак эътибор – бу халқаро алоқалар, миллатларaro маърифат, маданият, илмий тадқиқотлар, илғор тажрибалар, таълим инновацияси ривожидедекдир.

Яқинда бир асрлик тарихга ва олий таълим тизимида юқори салоҳиятга эга бўлган Фарғона давлат университети Буюк Британиянинг нуфузли Times Higher Education - "ТНЕ" рейтинг агентлиги рейтингинда қуруқликдаги экотизимларни асраш бўйича 401+ натижа кўрсатиб, TOP 1000+ рўйхатида

киргани ҳам Давлатимиз раҳбари томонидан тизим учун яратилаётган шарт-шароитларнинг самарасини кўрсатиб берди.

Шу билан бирга, ФарДУда халқаро ҳамкорлик имкониятлари тобора кенгайиб, Хитойнинг Лоан археологик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди. Қуни кеча университетга Лоан археологик тадқиқот институтига делегациясининг ташрифи доирасида "Фарғона - Лоан археологик маркази" очилди.

Ушбу халқаро миқёсдаги янгиланган ва ўзгаришларни таҳлил қилиб, ҳулоса этар эканмиз, бугунги янги давр, ўзгаришлар палласида янгича қарашлар билан дунёга ўзини очаётган Ўзбекистон туризм орқали қўхна тарихи, инвестицион жозибаси, гўзал ва бетақорор табиати, қўлай география ва бунга ва мўътадил иқлими билан донг таратибгина қолмай, соҳани мамлакатнинг етакчи драйверига айлантира олади.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори.

МУНОСАБАТ

ОЛТИАРИҚЛИКЛАР УЗОҚ КУТГАН КУНЛАР КЕЛДИ



Таъкидлаш кераки, Президентимизнинг ташаббуслари билан икки йил олдин жорий этилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси шарофати билан, вилоятимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Олтиариқ туманида ҳам мевали ва манзарали кўчатларни кўпайтириш ва уларни парваришlashга эътибор ҳар қачонгидан кучайди.

– "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг баҳор мавсумида автомобиль йўллари ёқасига, фермер хўжаликлари экин майдонларининг четларига, МФЙлар, корхона ва ташкилотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳудудларига 556,64 минг дона манзарали ва мевали кўчатлар ҳамда қаламчалар экиш ишлари амалга оширилди, – дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Умиджон Бозоров. – Қуни кеча бўлиб ўтган йиғилишда Президен-

тимиз бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердилар. Бутун туманимиз аҳли жорий йилнинг 25 октябридан 1 декабригача ўтказиладиган "кузги дарахт экиш мавсуми"да фаол қатнашиш учун ҳозирликни бошлаб юборишди.

Маълумотларга қараганда, Олтиариқ туманида 25 октябрдан 1 декабригача бўлган муддатда белгиланган ҳудудларга 16 турдаги, 367 минг дона манзарали, мевали дарахт ва бутта кўчатлари

ҳамда қаламчалари экиш белгилаб олинди. Айни кунларда туман иқлимига мос келадиган мевали ва манзарали кўчатларни жамғариш жараёни билан бирга, лойиҳа асосида экиладиган ҳар бир туп ниҳолни парваришlashга масъуллар аниқлаштириб олинмоқда.

– Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан юртимизда амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси катта ҳаётий зарурият эканлигини биз – фахрийлар ҳам чин дилдан ҳис қиляпмиз, – дейди "Нуроний" жамғармаси Олтиариқ туман бўлини маси раиси Комилжон Пармонов. – Бу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида кўп фикр билдиришимиз мумкин. Биргина келажак авлодга соф ҳаво, ям-яшил боғлар ҳада этиш имконини бериш билан бирга, инсоният табиат билан уйғун яшашга мажбур эканлигини яна бир бор баъҳамжасига эслатаётганлиги билан ҳам қадрлидир. Олтиариқлик нуронийлар бу эзгу жараёнда фаол иштирок этиб, Янги Ўзбекистонимизни экологик тоза худудга айлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Олтиариқликлар азалдан она заминни ардоқлаб келадилар. Ҳар бир қарич экин майдонига меҳр бериб, унинг саховатидан баҳраманд бўладилар. Президентимизнинг ташаббуслари билан бутун юртимизда амалга оширилаётган "Яшил макон" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишда улар фаол иштирок этиб, бу борада "Олтиариқ тажрибаси"ни жорий этишларига шубҳа йўқ. Зеро, Олтиариқ сархил мевалар ва сифатли сабзавотлари билан донг таратган миришқор деҳқонлар юртидир.

Ҳа, олтиариқликлар узоқ кутган кунлар келди. Шу туйғайли ҳам улар муҳтарам Президентимизнинг йиғилишда берган тавсияларини кўтаринки кайфият билан қутиб олишди. Зеро, кўчат экиш, боғ яратиш, бўш турган ерлардан унумли фойдаланиб, юрт дастурхонини тўқин қилиш олтиариқликларга хос фазилатлардандир.

Мўйдинжон СОБИТОВ,
"Янги Фарғона" мухбири.
Муслимбек ТУЛАНОВ олган сурат.

ОСОЙИШТАЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрь кундаги тегишли Фармонига асосан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари зиммасига вилоятлар марказларида ташкил этиладиган оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнида, бозорлар ва истироҳат боғларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳамда жамоат тартибини сақлаш вазифаси юклатилган.

Бу борада Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари ҳам халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда. Жумладан, ўтган даврда Фарғона ва Қўқон шаҳарларида ўтказилган 471 та оммавий тадбирларда жамоат хавфсизлиги ишончли таъминланди.

Айни пайтда сутка давомида жами 122 нафар Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги бозор, истироҳат боғи ва хиёбонларда ташкил этилган патруллик йўналишларига хизматга жалб этилмоқда.



МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ – ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Хизматни олиб бориш давомида 2023 йилнинг 12 май куни қабул қилинган тегишли қонунга, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича Миллий гвардия ваколатига берилган моддаларга асосан йилнинг ўтган даври мобайнида 266 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, қонуний чора кўрилиши таъминланди.

Ҳамкорликдаги “Экопатруль” гуруҳлари томонидан 57 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 57 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди.

Қўча ва жамоат жойларида аниқланган ва фош этилган жиноятлар 33 тани ташкил этди. Жамоат жойларида фуқароларда 66 та ноқонуний жисмлар аниқланиб, тегишли тартибда олиб қўйилди.

Жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ, ҳудудлардаги 750 дан ортиқ видеокузатув камералари хатловдан ўтказилди. Видеокамераларнинг сифат кўрсаткичи пастлиги ҳамда видеокузатув камералари билан қамраб олинмаган жойлар мавжудлиги, тадбиркорлар томонидан ёзи вақтларда соябон ўрнатиб олинishi натижасида камера объективларининг тўсиб қўйилиши аниқланиб, мутахассислар тавсияси билан соябонлар олиб ташланиши ва қўшимча ўрнатилиши лозим бўлган видеокузатув камералари схемаси ишлаб чиқибли, уларнинг сони 3 500 гадан оширилди.

Уланиш имкони мавжуд бўлган 4 та бозор ва истироҳат боғи кўриқлаш тизимининг “ташвиш” кўриқлаш марказларига уланди. 236 та камераларга техник хизмат кўрсатилди. Жиноят ўчоқларига ўрнатилган видеокамералар реал вақт режимида фаолият олиб бораётган “Назорат маскани” ва бозорлар маъмуриятига интеграция қилинди.

Ходимларимиз халқимиз манфаатларига хизмат қилиш ҳамда юртимиз ривожига ҳисса қўшиш мақсадида яна қўшимча йўналишларда ҳам фаолиятлар олиб боришапти. Жумладан:

спорт йўналишида қўл жанги, камондан отиш ва от спорти каби спорт турларини янада ривожлантириш ва

ва чемпионатларида қатнашиб, 27 нафари 1-ўринни, 19 нафари 2-ўринни ва 33 нафари 3-ўринни эгаллаб, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Шу билан бирга, Осиё ва Жаҳон чемпионатида вилоятимизнинг 14 нафар спортчилари қатнашиб, барчаси ғолиб ва совриндор бўлганлиги алоҳида таҳсинга лойик.

Камондан отиш федерацияси ҳам ташкил этилиб, вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида Миллий гвардиянинг қуйи тизими қошида 18 та спорт секциялари очилди ва минг нафарга яқин ёшларни қамраб олган ҳолда, ҳомийлик асосида, спорт билан беминнат шугулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

От спорти туруни ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан эски “Отчо-

пар” мажмуаси Миллий гвардия ихтиёрига олиниб, барча зарур шарт-шароитларга эга бўлган Чавандозлар мактаби фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда мазкур мактабдаги 16 та секциялардаги машғулотларга 300 нафарга яқин ёшлар қатнашишмоқда.

Вилоятдаги 8 та умумтаълим мактаблари, 1 та Президент мактаби, 1 та ижод мактаби, 4 та МФЙда мактабнинг секциялари ташкил этилди, секцияларда жами 300 га яқин ўқувчилар ва ёшлар билан от спорти турлари бўйича ҳар ҳафтада 2-3 маротаба амалий машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, 2023 йил август ойига қадар Қўқон шаҳрида битта, Риштон туманида 2 та ҳамда Бувайда туманида битта янги секциялар ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади. 2023 йил январдан сентябрь ойи-

га қадар 6,6 мингдан ортиқ ёшлар иштирокида 310 та маҳорат дарслари, мусобақалар ҳамда Президент ва ихтисослаштирилган мактаблари билан ҳамкорликда 62 та тадбир ва маҳорат дарслари ўтказилди.

Миллий гвардия Чавандозлар мактаблари таркибида ташкил этилган Иппотерация марказида неврологик, руҳий ва бошқа касалликларни даволаш, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонни бўлган 191 нафардан зиёд болалар билан тиббий-ижтимоий реабилитация муолажалари олиб боришмоқда.

Ҳозирда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази Фарғона минтақавий марказининг 50 нафар тарбияланувчилари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари томонидан берилган йўлланмалар асосида 7 нафар беморларга доимий равишда мактаб мутахассислари ва

мураббийлари томонидан хизмат кўрсатилмоқда.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда чин етим фарзандларимизга маънавий, ижтимоий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш йўналишида амалга оширилган ижобий ишлар натижасида Марғилон шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган, фарзандликка берилиши мумкин бўлган тарбияланувчиларнинг 158 нафари оила муҳитига берилиб, Меҳрибонлик уйи фаолияти тугатилди.

Қўқон шаҳридаги 12-сонли Меҳрибонлик уйи ҳамда Фарғона шаҳридаги 1-сонли Гўдаклар уйида ҳам ана шундай ислохотлар амалга оширилди.

Вилоятда 15 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 89 нафар етим болалар келгусида жамиятда

ўз ўрнини топиши ва энг асосийси, оила муҳитига яқинлаштириш мақсадида оилалар бағрига берилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари-нинг ижтимоий етим ва аниқ турар жойга эга бўлмаган собиқ битирувчиларига 2021 йилда 29 та, 2022 йилда 17 та Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида барча қўлайликларга эга бўлган яшаш хонадонлари топширилишига эришдик.

Вилоят ҳокимлиги билан биргаликда 2023 йилда 30 ёшгача бўлган собиқ Меҳрибонлик уйи битирувчиларининг нотурар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларда яшаётган 21 нафарига “Меҳр дафтари” жамғармаси ҳисобидан 21 та яшаш хонадонлари топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида 2023 йил ҳисобидан 37 нафар болаларга яшаш уйлари топширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 5 нафарига уй-жойлар топширилди. Ҳозирда қолган 32 та уйларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 11 апрель куни Президентимиз раислигида ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини жорий этиш борасидаги дозарб вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган ёшларни тарбиялаш мақсадида барча ташкилотларга, шу жумладан, Миллий гвардияга вилоятдаги 130 нафар етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва оилавий болалар уйларида тарбияланаётган ёшлар бириктирилди. Ушбу ёшлар билан индивидуал тартибда учрашувлар ўтказиш жараёнида маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг “Йўл хариталари”га 237 та муаммо ва таклифлар киритилиши таъминланди. Шу кунга қадар бириктирилган ёшларнинг 187 та муаммолари ижобий ҳал этилди. 52 та муаммо ва таклифлар вақт талаб этиши боис уларни бугунги кунда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Шавкат АКБАРОВ,
Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи, полковник.

Фарғона вилоятида бугунги кунда пиллани қайта ишлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш ҳамда ипакли маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш борасида бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

СИФАТЛИ ИПАК МАТОЛАРИ

хорижга экспорт қилинади

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА



олиб келиниб, ўрнатилди ва маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди. Бунинг натижасида маҳсулотлар сифати ошди.

Ҳозирда бу ерда ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, умумий ҳисобда 150

нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этади.

Матн ва суратлар муаллифи: **Шерзод ҚОРАБОВЕВ.**



КўРИК-ТАНЛОВ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан кутубхоначиларнинг касбий малакасини ошириш ва ривожлантириш, инновацион фаолияти ва ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда моддий рағбатлантириш мақсадида ҳар йили «Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона мутахассиси» кўрик-танлови ўтказилиши анъанага айланиб улгурган.

Яқинда Марғилон шаҳрида жойлашган Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида «Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона мутахассиси-2023» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг ушбу босқичида вилоятимизнинг туман-шаҳарларидан жами 26 нафар ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари ғолиблик учун беллашдилар.

Қатъий низоом талаблари асосида ўтказилган мусобақа иштирокчилари соҳага оид билим ва кўникмаларини турли шартлар орқали ҳакамларга ҳавола этдилар.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига қўра, faxрли 3-ўрин Учкўприк тумани ахборот-кутубхона



маркази мутахассиси Зиёда Мамазияевага насиб қилган бўлса, шоҳсупанинг 2-поғонасига Фурқат тумани ахборот-кутубхона маркази мутахассиси Санъат Мусалиев кўтарилди. 1-ўринни эса Фарғона вилояти ахборот-кутубхона маркази ходими Ойгул Абдуллаева эгаллади ва кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ҳаётжон АБДУЛЛАЕВ.

ЙИЛ АЁЛЛАРИ САРАМАНДИ

Яйпан шаҳридаги 23-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган танловда туман ҳокими ўринбосари Зулфияхон Саримсокова, тумандаги “Оқила аёллар” ҳаракати фаоллари Гўлбаҳорхон Ўқтамова, Раънохон Аҳмедовалар сўз олиб, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни, роли ҳамда нуфузини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани хусусида фикр билдирдилар.

Тумандаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган кўрик-танловда иштирокчилар 11 йўналиш бўйича ўз иқтидорларини, билим ва салоҳиятларини синовдан ўтказдилар.

Миллий танловнинг тасдиқланган Низомига қўра, иштирокчилар та-ништирув, иш фаолияти тўғрисида тайёрланган альбом ва қисқа ролик ҳамда савол-жавоб шартлари асосида беллашдилар. Якунда фаол аёллар

Ўзбекистон туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорига асосан “Йил аёли” республика миллий танловининг туман босқичи ўтказилди.



кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Ғолибларга туман ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совға-

лари топширилди.

Илҳомжон МАҲКАМОВ,
журналист.

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

ЁШЛАРНИ
ЁТ ҒОЯЛАР
ТАЪСИРИДАН
АСРАЙЛИК!

Биз, ота-оналар кун бўйи ишда, хизмат сафарларида-миз. Боалар-чи? Улар уйда ким билан қолган, нима билан машғул? Тўғрақларга белгиланган вақтида боряптими, ўзлаштириши қандай, кутубхонадан олган бадий асарнинг қайси саҳифасига келгани унинг мазмуни, воқеликларидан хабардоримизми, фарзандимизнинг айнан қайси ўртоғи билан қандай ўйинни ўйнаётгани ҳақида ўйлашимизми, клавиатураларни моҳирлик билан бошқараётган болажонларга ҳай-ҳайлаиб олиб берган совғаларимиз нима мақсадга хизмат қилаётганини, улар фойдаланаётган интернет сайтларини назоратга олишга вақт ажратяпмизми? Афсуски, бу саволларга ҳар доим ҳам “ҳа”, дея жавоб бера олмаймиз. Бу айни ҳақиқатки, ундан кўз юмиб ўта олмаймиз.



Интернет тармоғи орқали таъсир ўтказаётган хуружларнинг мақсади яхшилик эмас, албатта. Тармоқдан фойдаланувчиларга турли кўринишларда намоён бўлаётган салбий унсурлар ёшлар онгига жойлашиб олиб, уларнинг қалбини емира бошлайди. Истиқлолимизни, гуллаб-яшнаётган Ватанимизни, оёсийишта кунларимизни, бахту саодатимизни кўра олмасликни биз “оммавий маданият” тарзида кириб келаётган барча кўринишларда хис этишимиз мумкин. Ёшларимизни “дўстона” суҳбатларга чорлаш, замонавийлик, маданиятлик сир-асрорларидан бохабар этиш, керак бўлса, қандай бой-бадавлат бўлиш, бахтли яшаш, ўзи истаган тўқис ҳаётга эришиш йўлида йўл-йўриқлар, маслаҳатлар тавсия этилади. Бундай алдовлардан эҳтиёт бўлишларини тақорлаб чарчамаслигимиз, совға тариқасида қўл телефони ёки компьютер тортиқ этаётганимиздаёқ бу техникадан қандай мақсадда фойдаланиш лозим эканини тушунтиришимиз, аслида унинг фойдали жиҳатлари ҳақида “қулоқларига қуйишимиз” муҳимдир.

Ёшлар қачон ахборот хуружларига дучор бўлишади? Менимча, улар интернет тармоғига бўш вақтларда ёки ўз-ўзидан, мақсадсиз кирганларида. Чунки бўш вақтида нима қиларини билмай, чўнтагидаги “дўсти”га мурожаат этишади. Бу вақтда улар тармоқдан нимани излашни ҳам билмаган ҳолда, сайтларга кўз югуртиришади. Ранг-баранг, нигоҳни тортувчи, қизиқарли ва “фойдали” ёзувлар ўзига оҳанрабодай тортаверади...

Бизнинг миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз бой ва бетакрордир. Хонадонларимиз фариштаси бўлган нурунийларимизнинг дуои фотиҳалари, насиҳатлари бизни ҳамиша яхшиликка, бахтга чорлаган. Шунданми, улугларга ҳурмат-эҳтиромимиз кучли. Уларни ҳамиша

асраймиз-авайлаймиз. Фарзандларимизни тарбиялаш, улғайтиришда ҳам улар бизнинг йўлбошимиздир.

Ёшлигимда қайвони бувимнинг бир гаплари бўларди: “Ҳой, қўшнингни боласини ҳам ўз болангдай кўр, қадам олишини кўздан қочирма. Тарбия қил, тўғри йўлга бошла, кун келиб, унинг ножоиз ҳаракати сенинг болангга ҳам зарар етказмасин”. Қанчалар ҳақиқат эди бу сўзлар.

Дарҳақиқат, ўз ҳаёлида “замонавий” ликка эришган йигит-қизлар билан ишлаш, дўстона суҳбат қуриш, тўғри йўл кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишга кўмаклашишни асло кечиктирмаслик муҳим.

Чин маънода, туғилиб ўсган Ватанни севиш, уни ардоқлаш, муносиб фарзанд бўлиш каби ватанпарварлик ҳисси бугун барча ёшларимиз қалбини қамраб олган. Бироқ ҳали ёшлик, болалик қилиб, ёт унсурларни, бузғунчи ғояларни тўғри, деб қабул қилишларига биз қарши бораёлиқ. Уларни ўз фарзандимиз каби эркалаб-суяйлик, ўқиши, ҳунар ўрганиши, ёруғ эртаси учун қурашайлик. Агар биргина йигит ёки қизни тўғри йўлга сола оласак, унда инсонийлик хислатларининг шаклланишига эришсак, мана шунинг ўзи юзлаб ёшлар онги ва қалбини асраганимиз, огоҳ этганимиздир.

“Боланинг бегонаси бўлмайди”, дейдилар. Шундай экан, ўғил-қизларимизни ёт таъсирлардан асрайлик, уларга яқин дўст бўлайлик. Кези келганда, ёрдамга опикайлик. “Бирники – мингга, мингники – туманга”, дея бир мақсад сари интилган ажодларимиздан ибрат, ўрнат олиб яшашиқ барчамизнинг эзгу мақсадимизга айлансин.

Раҳматжон АЛИЯРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Фарғона шаҳар суди судьяси.

FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI PROFESSOR-O‘QITUVCHILARINING
2023-2024-O‘QUV YILINING 1-YARIM YILLIGI UCHUN OCHIQ MA‘RUZALAR
RO‘YXATI

№	Kafedra	Fan nomi	Ma‘ruza mavzusi	Ma‘ruza muallifi, ilmiy darajasi va unvoni	Taklif etilgan tashqi ekspertlar, lavozimi, ish joyi	Ma‘ruza o‘tadigan guruhlar, sana va vaqti	Ma‘ruza o‘tadigan joyi, ta‘lim shakli	Bakalavriat yo‘nalishi va magistratura mutaxassisligi shifri
1	Texnologik ta‘lim	Polimer va kompozitsion materiallar va ularning qo‘llanilishi	Termoplastlar asosida polimer kompozitsion materiallar yaratishning o‘ziga xos usullari.	Otajonov Salim Madrahimovich. Fizika-matematika. fanlari doktori, professor. Farg‘ona davlat universiteti Texnologik ta‘lim kafedrası mudiri.	Yuldashev Nosirjon Haydarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor, Farg‘ona politexnika instituti fizika kafedrası professori.	21.13, 21.14, 21.15-guruhlar. 10.10.2023 1-smena, 1-para.	Fizika-texnika fakulteti, 102-auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	60112300 Texnologik ta‘lim
2	Matematik analiz va differensial tenglamalar	Matematik fizika usullari	Loran qatori. Analitik funksiyani Loran qatoriga yoyish. Ajratilgan maxsus nuqtalar.	Xalilov Qobiljon Solijonovich. “Matematik analiz va differensial tenglamalar” kafedrası katta o‘qituvchisi, fizika-matematika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) .	Rasulov Rashidxon, Farg‘ona politexnika instituti “Oliy matematika” kafedrası katta o‘qituvchisi, fizika-matematika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).	22.14, 22.17-guruhlar. 10.10.2023 1-smena, 2-para.	Matematika-informatika fakulteti, 208-auditoriya, (kunduzgi ta‘lim).	60530900 Fizika
3	Amaliy matematika va informatika	Matematika va informatika o‘qitish metodikasi	Informatika o‘qitishning asosiy didaktik tamoyillari. Informatika fanini o‘qitishda ilmiylik tamoyili.	Mamatova Zilolaxon Habibulloxonovna, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).	D.F.To‘xtasinov, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Farg‘ona filiali “Axborot xavfsizligi” kafedrası mudiri, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.	20.07, 20.08, 20.09, 20.09 A-guruhlar. 24.10.2023 2-smena, 1-para.	Matematika-informatika fakulteti, 204-auditoriya, (kunduzgi ta‘lim).	5130200 Amaliy matematika
4	Axborot texnologiyalari	Dasturlash asoslari	C++ tilida tanlash va o‘tish operatorlari.	Tojiyev Tohirjon Halimovich, Axborot texnologiyalari kafedrası dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi.	Bilolov Inomjon Uktamovich, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Farg‘ona filiali informatika va ta‘lim texnologiyalari kafedrası dotsenti, fizika- matematika fanlari nomzodi.	23.01, 23.06-guruhlar. 13.10.2023 2-smena, 3-para.	Matematika-informatika fakulteti, 218-auditoriya, (kunduzgi ta‘lim).	6054010 Matematika
5	Kimyo	Yuqori molekulyar birikmalar kimyosi	Sintez polimerov. Radikalnaya polimerizatsiya.	Nurmatova Mohira Madumarovna, kimyo fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.	Abdullayev Shavkat Abdullayevich, Namangan davlat universiteti kimyo fanlari doktori, professor.	21.51-guruh, 16.10.2023 2- smena, 1-para.	Tabiiy fanlar fakulteti, 436-auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	60530100 (kimyo turlari bo‘yicha)
6	Kimyo	Fizik tadqiqot usullar	Atom spektropol tahlili.	Jalolov Iqboljon, kimyo fanlari dotsent.	Ilhom Ma‘mirov, Namangan Davlat universiteti, texnika fanlari nomzodi, dotsent.	21.48-guruh, 24.10.2023 2-smena, 1-para.	Tabiiy fanlar fakulteti, 214-auditoriya, (kunduzgi ta‘lim).	5140500 Kimyo
7	Geografiya	Jahon xo‘jaligi	Dunyoning qishloq xo‘jaligi tarmoqlari geografiyasi.	N.Komilova, Geografiya, falsafa fanlari doktori dotsent	FarPI Geodeziya, Kartografiya va kadastr kafedrası dotsenti, geografiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori K.Hakimova.	22.63, 22.64-guruhlar 27.10.2023 1-smena 1-para.	Tabiiy fanlar fakulteti 439-auditoriya (kunduzgi ta‘lim)	5140600 Geografiya
8	Tuproqshunoslik	Tuproq kimyosi	Tuproqda IV-guruh elementlari.	Azimov Zikrjon Ahmadovich, tuproqshunoslik kafedrası, katta o‘qituvchisi, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori.	Asqarov Hasanboy Xoldorovich, Farg‘ona politexnika instituti QXMS va DIT kafedrası mudiri, qishloq xo‘jaligi fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent.	21.62-guruh, 17.10.2023 1-smena, 1-para.	Agrar qo‘shma fakulteti. 207-auditoriya, (kunduzgi ta‘lim).	60530700 Tuproqshunoslik
9	Ingliz tili	Ilmiy ish asoslari	Choosing a topic for a scientific research work.	Ganiyeva Dildora Azizovna, Ingliz tili kafedrası dotsenti, filologiya fanlari doktori, dotsent.	Obidova Gulmira Kuzibayevna, TATU Farg‘ona filiali Xorijiy tillar kafedrası mudiri, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent.	22.113, 22.114, 22.157-guruhlar, 18.10.2023 1-smena, 2-para.	Chet tillari fakulteti, 211- auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	60230100 Filologiya va tillarni o‘qitish: ingliz tili
10	Rus filologiyasi	Rusistikaning dolzarb muammolari	«Выдающиеся филологи».	Davlatyatova Gulchexra Nasirovna, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent.	Kadirova Nigora Abdurashidovna, Qo‘qon davlat pedagogika instituti, filologiya fanlari nomzodi, dosent.	Magistr, 16.10.2023, 2-smena, 1-para.	Filologiya fakulteti, 30-auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	70230101 Lingvistika (rus tili) I-bosqich (qishki qabul)
11	Rus filologiyasi	Dunyoning lisoniy tasviri	«Понятие картины мира как представления человека о мире».	Muhiddinov Anvarjon Gofirovich, filologiya fanlari doktori (DSc), professor.	Nishanov Usmonxon Ibragimovich, Farg‘ona politexnika instituti o‘zbek tili va tillarni o‘rgatish kafedrasining mudiri.	Magistr, 24.10.2023, 2-smena, 2-para.	Filologiya fakulteti, 22-auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	70230101 Lingvistika (rus tili) I-bosqich (qishki qabul)
12	Ijtimoiy ish	Ijtimoiy ish tarixi	Yevropa mamlakatlarida aholining ijtimoiy himoyasi.	Xashimova Gulsina Ismailovna, falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), katta o‘qituvchi.	Eryigitova Lobaxon, O‘rta Osiyo xalqaro Tibbiyot universiteti Ijtimoiy fanlar kafedrası mudiri, sotsiologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.	23.83, 23.84-guruhlar, 20.10.2023, 1-smena, 2-para.	Tarix fakulteti, 203-auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	60920100 Ijtimoiy ish (oila va bolalar bilan ishlash)
13	Sotsiologiya	Iqtisodiy sotsiologiya	Mehnatni rag‘batlantirish va iqtisodiy mehnat xulq-atvori.	G‘aniyev Bahodirjon Sodiqjonovich, falsafa fanlari doktori (DSc), dotsent.	O‘roqova Oysuluv Jamoliddinovna, Andijon davlat Meditsina instituti Ijtimoiy fanlar kafedrası mudiri, falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.	21.119, 21.120-guruhlar, 27.10.2023, 1-smena, 2-para.	Tarix fakulteti, 315-auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	60311000 Sotsiologiya
14	Iqtisodiyot va servis	Turizm: nazariya va amaliyot	Turizm sohasidagi xizmatlar va mahsulotlar.	Mirzayev Abdullajon Topilovich, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent.	Kadirov Abdumalik Matkarimovich, Farg‘ona politexnika instituti Menejment kafedrası mudiri, qtsodiyot fanlari doktori, dotsent.	22.134-guruh, 11.10.2023, 1-smena, 2-para.	Iqtisodiyot fakulteti, B 201-auditoriya (kunduzgi ta‘lim).	61010100 Mehmonxona xo‘jaligini tashkil etish va boshqarish

Farg‘ona davlat universiteti ma‘muriyati.

«Янги Фарғона» – «Новая Фергана»
газеталари бирлашган
таҳририяти

МУАССИС:
Фарғона вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир:
Баҳром ОБИДЖОН

Манзил:
Фарғона шаҳри,
Юксалиш кўчаси,
78-«А» уй.

Газета 2022 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасида
№ 036860 рақамли рухсатнома билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Марғилон шаҳри,
Туркистон кўчаси, 236-«Б» уй.

Газета ҳафтанинг чоршанба ва
шанба кунлари чиқади.

Газетани етказиб бериш учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
босмахона масъул.

Адади: 5 300 нуска.
Офсет усулида босилди.
Қорғоз бичими А-2.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма: 642

Навбатчи муҳаррир:
Адҳамжон РАҲМОНОВ.

Дизайнер:
Жаҳонгир МИРЗАМАНОВ.